

ПОРТРЕТ ЖАНРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ

Худойназарова Ўзгилрой

*А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Тасвирий санъат ва муҳандислик
графикаси кафедраси ўқитувчиси, Жиззах, Ўзбекистон
e-mail: xudonazarova.88@mail.ru*

Аннотация. Мақолада портрет жанрининг ривожланиш тарихи ва бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлаш борасида сўз боради. Талабаларга портрет ишлаш машғулотларида портрет жанрининг ривожланиш тарихинини ўргатиш ҳамда назарий билимларга эга бўлиши борасида амалий маслаҳатлар берилди.

Калит сўзлар: Рангтасвир, композиция, реалистик санъат, жанр, колорит, пластик анатомия, перспектива

Аннотация. Статья о истории развития жанра портретной и профессионального производства потенциальных изобразительных преподавателей. Портреты предоставляют практические советы по преподаванию истории портретной жанра и имеют теоретические знания.

Ключевые слов: живопись, композиция, реалистическое искусство, жанр, цвет, пластическая анатомия, перспектива

Annotation. The article discusses the history of the development of the portrait genre and the professional training of future art teachers. Students will be given practical advice on teaching the history of the development of the portrait genre and gaining theoretical knowledge in portraiture classes.

Key words: painting, composition, realistic art, genre, color, plastic anatomy, perspective

Тасвирий санъатда портрет - инсон образини яратишда энг мураккаб жанр ҳисобланиб, бу жанрнинг келиб чиқиши, узоқ ўтмишга бориб тақалади. Эрамиздан аввалги I-III асрларда қадимги Мисрдаги Файюм шаҳарчасидан рангтасвирнинг мум усулида бажарилган портрет расмлар топилган. Бу жанрда Шарқнинг буюк мусаввири Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари Маҳмуд Музаҳҳих, Қосим Али ҳамда бошқалар рангтасвирнинг миниатюра услубида самарали ишлаганликлари тарихдан маълум. Улар портрет асарларида замондошларнинг гўзал қиёфасини образларини яратиб, кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирган.

Ҳар хил тарихий давр рассомлари портрет санъатининг вазифасини турлича тушунишган. Буни ўша даврга тааллуқли бадиий тасвирлаш материалларининг нозик томонлари имкониятидан қай даражада фойдалана олганлиги ва ўзлаштирган билимларига қараб, ўхшашлик хусусиятларига

таянган ҳолда, тасвирнинг шартлилиги асосланган ўз даврининг буюк, илғор намоёндалари образларини яратиши мисолида кўриш мумкин.

Масалан, қадимги Грецияда мимика ва кўз қарашлари жонсиз портретлар ишланган бўлса, Рим рассомлари декоративлик билан уйғунлашиб кетган реалистик усулда аниқ характер ва психологик хусусиятларга образлар яратишган.

Юксак даражада бажарилган, жозибador образлар тасвирланган диний мавзулардаги асарларни биз черковлар учун ишланган деворий расмларда учратамиз. Аниқ одамлар тасвири ҳам икона рамзлари бўлиб, шу билан бирга уларда инсонларнинг ички дунёси, руҳияти ўз аксини топиб туради.

Уйғониш даврида инсонларнинг дунёқараши санъатдаги вазифалар ўзгариши; пластик анатомиянинг илмий асослари ва перспектива қонунларининг ўзлаштирилиши натижасида маънавий идеаллар ҳам ўзгара борди. Бу вақтда туслар уйғунлиги деб номланган янги ранглар уйғунлиги тизими вужудга келди. У рассомлар олдида портрет ишлашдаги реалистик мазмунни бера олиш имкониятини туғдирди. Бу билан уйғониш даври педагогикаси ҳам, асосида кўз қарашлари қабул қилишининг оптик қонунлари ётадиган, кўпинча реалистик портретнинг тузилиши ва характерини белгилайдиган, моделни аниқ ва ишонарли ифодалашга йўналтирилган тасвирлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиб, янги ғояларни олдинга сурди.

Баракко рангтасвирчилари портретга ўзига хос тасирга эга бўлган ёруғликдан кенг фойдалана бошлашди. Бу усул эса бутунлай натурадан ишлаш усулига таянадиган, портретдаги ҳар хил ҳиссиётли ҳолатларни портрет рангтасвирининг ўйнақароқ рангларга бой бўлишига ўз таъсирини ўтказди.

XVIII асрга келиб портретда инсоннинг ички дунёси ташқи қиёфасидан ажралиб, аристократлар ва сарой аъёнлари портретларида уларнинг ички дунёси очиб берилмай балки ташқи ясама кўринишлари катта аҳамиятга эга бўлади. Эски рангтасвир мактаби натура шакли ва материални тасвирлашда ўзининг юқори чўққисига этди.[1.236]

XIX асрнинг 70 - 80 йилларида ижод қилган рассомларда эса портрет санъатига бошқача ёндашишни кузатиш мумкин. Бу йўналишда ижод қилган рассомлар натурадан рангтасвир кўринишларини декоратив тасвирловчи, ўша пайтнинг энг яхши колористлари ҳисобланган рус рангтасвир мактабининг тарбияланувчилари М.А. Врубель, К.А. Коровин, Б.М. Кустодиев ва бошқалар эди. XIX аср охирларида бутун Рус тасвирий

санъатининг ижтимоий –психологик анъаналари асосида тарбияланган В.А. Серовнинг портретлари бутун рус санъати учун муҳим ҳодиса бўлди [2. 270].

XIX асрга келиб тасвирланаётган шахсдаги ўзига хос, қайтарилмас хусусиятлари, шахсиятнинг атроф - муҳит билан боғлиқлик томонларини очиб берадиган реализм усули портретдаги образлар характерини бутунлай ўзгартирди. Рассомлар ўзаро рақобатлашиб, рангтасвирдаги образлар эчимининг янада жозибали, мафтункор, нозик томонларини топиш учун ҳар доим тарихдаги барча рангтасвир тизимини қайтадан ўрганиб янги воситалар устида тинмай изланишлар олиб боришарди. Импрессионистларнинг ишлари эса рангтасвирда янги йўналишнинг кашф этилишига сабаб бўлди. Натижада портрет рангтасвирида ранглар уйғунлиги ва жозибадорлиги билан боғлиқ бизнинг давримизгача этиб келган мураккаб муаммони юзага келтирди. Импрессионистларнинг янгича рангларни қабул қилиш маданиятида, тасвирланаётган инсон объектини ҳаво ва қуёш нурлари орқали ранглар жилосида кўриб, ёруғлик ва ҳаво, рангларнинг рефлекслари, қарама қаршилигининг ўзаро уйғунлигини ҳис этишга асосий диққат эътибор қаратилди.

Рус рангтасвирида инсон шахсиятининг бадиий жиҳатларини гавдалантира оладиган янги тушунчалар портрет жанрини юқори даражага кўтарди. Портретчи рассомлар инсон шахсияти хусусиятлари, ўзига хос характерини чуқур ўзлаштирдилар, лекин композициядаги ҳаракатни, маҳаллий колоритни бера олиш, декоратив текисликларни талқин қилиш ва бадиий тасвирлаш тилини ўзлаштиришга анча қийналар эдилар. Шунга қарамай рассомлар тана тузилиши, юз ифодасини яхши тушунганлар ва тўғри тасвирлай олганлар, тасвирланаётган портретнинг ташқи кўриниши ва жамиятдаги ўрнини ифодалашга уринганлар, бу эса ўз ўрнида реалистик анъаналарнинг ривожланаётганлиги ва мустаҳкамланиб бораётганлигидан дарак беради.

Маълумки, инсон портретини тасвирлашда, уни жонли тарзда шакллантиришда пластик анатомияга оид маълумотларни мукамал билишлари лозим [3.5]. Ҳозирги пайтда тасвирий санъатга таалуқли барча ўқув юртларининг ўқув дастурида ҳам портрет ишлаш машғулотларига бўлган эътибор назардан четда қолган эмас. Талабаларга портрет чизишни ўргатишдан асосий мақсад, замондош инсонлар, тарихий шахсларнинг гўзал ва такрорланмас, ҳар бир кишининг ўзига хос ташқи қиёфаси, характери, ички дунёсини очиб берувчи қиёфаларини жонли ва ишонарли акс эттиришни, улардаги қоғоз ёки матоларда ҳар хил тасвирлаш воситалари орқали ифодалаш кўникмаларини ривожлантириш, касбий малакаларини оширишдан иборат.

Шундай экан, талабалар тасвирий санъатнинг бу жанрини ўрганишига нисбатан алоҳида эътибор ва диққатни қаратиши, энг аввало, ўтмишга назар ташлаши, портрет ишлашнинг ривожланиш тарихини ўрганиши, буюк рассомларнинг асарларини таҳлил қилиб, улардан нусха кўчириб ўз билим ва кўникмаларини ривожлантиришлари лозим. Бундан ташқари, талабалар портретни амалий чизиб ўрганишдан аввал, назарий билимларга эга бўлишлари керак. Бунинг учун дарсларда ўқитувчи рассомлар тўғрисида тушунтириб беради. Шунингдек, у бу мавзуда ижод қилган рассомлар ижодини ҳам гапириб, портретда тасвирланганларни ёритиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Костерин Н.П. Учебное рисование. -2-е изд., перераб. – М.: Просвещение, 1994, - 236 с
2. Ростовцев Н.Н Учебное рисование. 2-е изд., перераб. – М.: просвещение, 1998, -270;
3. Бойметов Б.Б., Пластик анатомия. Амалий машғулотлар Т. 2011. 5-б
4. Худойназарова, Ў. (2020). ЖИВОПИСЬ ПОРТРЕТА В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКЕ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА. *Science and Education*, 1(7), 648-652.
5. Худойназарова, Ў. (2020). ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИ ПОРТРЕТ ТАРИХИ ВА ТУРЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ. *Научное знание современности*, (2), 67-69.
6. Ибрагимова, Г. Х., Зойиров, К. А., Боймирзаева, О. Ш., & Худойназарова, У. Ш. (2016). Развитие художественно-эстетической подготовки студентов в системе высшего профессионального образования. In *Теория и практика образования в современном мире* (pp. 117-119).
7. Ogiloy, K. (2020). Methodology of teaching students in higher pedagogical education to work portrait in the “Grizail” method of painting. *International scientific review*, (LXXIII), 92-94.
8. Xudoyberdiyev, P. (2020). TASVIRIY SAN’ATDAN AMALIY MASHG’ULOTLAR BAJARISH JARAYONIDA TALABALARNI AMALIY PYERSPEKTIVADAN FOYDALANISHGA O’RGATISH. *Science and Education*, 1(8).
9. Xudoyberdiyev, P. (2021). RANGTASVIR TARAQQIYOTINING USTUVOR YO ‘NALISHLARI. *Журнал музыки и искусства*, 2(2).
10. Xudoyberdiyev, P. (2020). TASVIRIY SAN’AT DARSLARIDA FAOLIYAT TURLARI ALOQADORLIGI ASOSIDA TA’LIM SIFATI VA SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING METODIK ASOSLARI. *Журнал музыки и искусства*, 1(1).

11. Xudoyberdiyev, P. (2020). European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences: European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

12. Шарипов, Ш. С. (2000). Педагогические условия формирования изобразительского творчества студентов (на примере факультетов Труда и профессионального образования)

13. Шарипов, Ш. С. (2017). Personality model of modern teacher. *Eastern european Scientific Journal–Germany*, 93-96.

14. Шарипова, Ш. С. (2018). Инновационные технологии в современном учебном процессе. *Молодой ученый*, (9), 185-188.

15. Orishev, Jamshid (2021) "PROJECT FOR TRAINING PROFESSIONAL SKILLS FOR FUTURE TEACHERS OF TECHNOLOGICAL EDUCATION," *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 16*.

16. Orishev, J. (2020). ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ПЕДАГОГЛИК МАСЪУЛИЯТИ . *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, 1(1).

17. Xolmatov, P., & Оришев, Ж. (2020). УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. *Физико-технологического образование*, 1(1)

18. Ismailov T.J, Tagaev X, Kholmatov P.K, Yusupov K.Y, Alkarov K.Kh, Orishev Zh.B Karimov O.O. (2020). Cognitive-Psychological Diagram Of Processes Of Scientific And Technical Creativity Of Students. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(08), 3669-3677.

19. Оришев, Ж. Б. (2019). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ. *Интернаука*, (43-2), 70-72

20. Алқаров, Қ. Х., Ибрагимов, А. Р., & Пардаев, Б. А. (2019). ТЎГАРАК АЪЗОЛАРИНИ ИЖОДҚОРЛИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ. *Интернаука*, (20-3), 51-52.